

ADOLAT

O'zbekiston
«Adolat» sotsial-
demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 24 (1035) • 2015-yil, 5-iyun, juma



ХОРАЗМ:

Ҳар бир куни жасоратдан иборат воҳа



Ўзбекистон мустақилликка эришган ёруғ дамларда Президентимиз илгари сурган улуғвор, устувор ғоялар, белгиланган ҳаётбахш мақсадлар, аниқ режалар, сарбаланд марралар теварагида халқимиз нақадар ҳамжиҳатлик билан жипслашгани республиканинг барча ҳудудлари равнақида аён кўзга ташланди. Ўтаётган 24 йил мобайнида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг оидин йўлига чиқиб олди. Ўн та бўлса ўрни бўлак деганларидай, бу файзли ўзгаришларда қадим ва навқирон, гўзал ва фаровон Хоразмнинг ҳам алоҳида мавқеи, юксак нуфузи, бунёдкорлик дастхати бор.

4-5

Сайловчи ислохотларга бефарқ эмас

Электорат билан юзма-юз

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар ва демократик янгиланишлар фуқароларда келажакка бўлган ишончни янада мустаҳкамлаб, уларнинг сиёсий янгиланишларга бўлган қизиқишини оширмоқда. Шу билан бирга, бугун фуқароларнинг ўзлари сайлаган вакиллар фаолиятига бўлган эътибори, кузатувчанлиги янада ортиб бормоқда. Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ жорий йилнинг 25-30 май кунлари депутатларнинг сайлов округларида сайловчилар билан ўтказган учрашувларида ҳам намоён бўлди.

3

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда

депутатлар фаол иштирок этмоқда

Депутатлик гуруҳларида

Ҳар бир депутат сайловда унга овоз берган фуқароларнинг ишончли вакили, у ўзи сайланган ҳудуд аҳолисининг қонуний манфаатларини амалга ошириши билан фуқароларнинг сиёсий партияга бўлган ишончини ҳам кучайтиради.

2



Севара фабрика очмоқчи

Фармондан руҳланиб

Президентимизнинг 2015 йил 15 майда имзоланган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркор-

лик фаолиятини ривожлантириш билан бирга уларни янги ташаббусларга бошламоқда. Қўрғонтепаллик партиядошимиз Севара Борзобоева ҳам фармонда кўзда тутилган имкониятлардан руҳланиб, янги режалар устида ишламоқда.

3

Навқирон авлод камолоти йўлида

Депутат минбари

Болалик — ҳаёт уммонининг мусаффо сарчашмаси. Болалик ҳар бир мурғак қалб учун ташвишлардан йироқ, эзгуликка тўла лаҳзалардир. Гўдакларнинг баҳор тонги мисол беғубор қалби фақат яхшиликларга йўғрилган бўлади. Шу сабаб ҳар йили 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни бутун дунёда кенг нишонланади.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни — бу жаҳон жамоатчилиги эътиборини болалар ҳуқуқига қаратиш, уруш хавфидан ҳимоялаш, болалар саломатлигини сақлаш, уларга демократик асосда тарбия ва таълим бериш учун курашишга жалб қилиш кунидир. Бундай эзгу кун нишонланаётганига 65 йил тўлса-да, айрим қишлоқларда миллионлаб болалар очлик, турли касалликлар, яшаш ва таълим олиш шароитлари йўқлигидан азоб чекаётганлиги, афсуски, кўз юмиб бўлмас ҳақиқат.

Ушбу байрам она юртимизда ҳар йил бўлгани каби ўзига хос тарзда нишонланди. Республикаимиз бўйлаб байрам арафасида фойдаланишга топширилган янгидан-янги спорт майдончалари, дам олиш оромгоҳлари, маданий-маърифий иншоотлар болалар қувончига қувонч қўшди. Бу албатта, ўзбек миллатига хос нодир маънавий қадриятлар сирасига қирадиган болажонлик, оилапарварлик, меҳр-му-

руватлик фазилатларининг юксак намунасидир.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳимоя қилиш замирида ҳаётни, унинг давомийлигини асраб-авайлаш моҳияти ётади. Улар тўғрисидаги ҳар қандай ғамхўрлик эса юрт равнақи учун қўйилаётган мустаҳкам пойдевор демакдир. Донишмандлардан бири "Миллатнинг келажagini болаларига қараб аниқлаш мумкин", деган эди. Бугун эртаимиз эгаларига кўрсатилаётган эътибор келажакда уларнинг Ватанига садокатли, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб етишишида муҳим омил ҳисобланади.

Эътироф этиш лозимки, республикаимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб бола ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2

“ОНЛАЙН ДЕПУТАТ”:

муаммо ечим топишида
томонлар бирдек масъулдир

Интерактив хизмат

www.adolat.uz да ташкил этилган “Онлайн депутат” интерактив хизмати доирасида партиядан сайланган депутатларнинг электрон мурожаатлар қабул қилиши ва уларга жавоб қайтариш ишлари давом этмоқда. Апрель ойи давомида фуқаролардан 13 та, май ойида 11 та мурожаат келиб тушди. Шулардан 19 та саволга қонуний тартибда жавоб қайтарилди. 5 та мурожаат ҳозирда тегишли шахслар томонидан ўрганилмоқда.

Onlayn deputat

Foydalanuvchilar so'ha doirasida o'zlarini qiziqitgan savollarni deputatlarimizga tarqdim etish imkoniyatiga egadirlar. Ulardan kelib tushgan xabar qo'sha fursatda o'rganib chiqiladigan javob qaytariladi.



Huquqiy maslahatxona

Shuningdek, saytimiz foydalanuvchilari huquqiy sohada yuzaga kelgan muammolariga yechim topishda maslahat so'rab, saytimizning mazkur xizmatidan ham foydalanishlari mumkin.

www.adolat.uz

6

Юксак маънавият ёт ғояларга қарши мустаҳкам қалқон



3

Навкентлик Насибанинг ибрати



6

Мурожаатларга оид ҳуқуқий асос такомиллаштирилди



7

«Қаршимда Ер шарин сураги турар...»

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитини муҳофаза қилиш куни



8

Навқирон авлод камолоти йўлида

Давоми. Боши 1-бетда

Аввало, бола ҳуқуқларига доир қонунчиликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини айтиш зарур. Бунинг самараси ўларок, бугун юртимизда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Мамлакатимиз Конституцияси асосида бола ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланди. Бу борада бешта халқаро конвенция ратификация қилинди ҳамда ўндан ортиқ қонун қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган. Айни чоғда халқаро стандартларни қонунчилигимизга жорий қилиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни талаблари асосида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминлаб келинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунига қўра васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахслар, шу жумладан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган. Шунга мос равишда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга оширилиб, судларда ва бошқа муассасаларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуни баркамол авлоднинг вояга етказиш, она ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Яъни, Ўзбекистонда бола камолоти йўлидаги бу каби долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ижроси оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида таъминланаётган.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қизгин муҳокама этилаётган "Болаларни уларнинг соғлиги ва маънавий-ахлоқий ривожланишига салбий таъсир кўрсат



тадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам келажакимиз эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Шу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини инobatга олиб жисмоний тарбия ва спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Биргина 2014 йил мобайнида фақат Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт объекти ва 73 та мактаб спорт зали барпо этилган, 24 та объектда қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган бу борадаги ишлар салмоғини ифодалаб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллиондан ортиқ фарзандларимиз, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Мамлакатимизда жорий қилинган уч босқичли спорт ўйинлари тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол

авлод" ва "Универсиада" мусобақалари ёш авлодни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг спортга қизиқишини, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ошириш борасида беқийс аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги қарори билан тасдиқланган 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури ҳам фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун имкониятларни янада кенгайтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Дунёда бир миллиарддан зиёд одам саводсиз бўлган айни даврда мамлакатимизда таълим-тарбиянинг ноёб тизими яратилган. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури республикаимиз барча фуқароларининг таълим олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда тенг шароитлар яратилмоқда. Ҳатто, республикаимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам илгор ускуналар билан жиҳозланган замонавий таълим муассасалари бунёд этилиб, мутахассислар билан таъминланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнига илм-фаннинг энг илгор ютуқларини жорий этиш ва шу орқали таълим сифатини оширишни таъминламоқда.

Шу билан бирга, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида ҳам

кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, биргина 2014 йилда 1394 касб-хунар коллежиде республикаимиз иқтисодиёти тармоқлари учун 495 минг нафардан зиёд мутахассис тайёрланди. Уларнинг амалиётларини самарали ўтказиш ва кейинчалик бандлигини таъминлаш мақсадида 170 мингга яқин корхона ҳамда ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар имзоланди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида республика тижорат банклари томонидан 18 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларга қарийб 200 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор туфайли ўғил-қизларимиз катта ютуқларга эришяпти. 2014 йилда анъанавий равишда ўтказилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанларидан

Дунёда болажонлар кулгисю, шўх-шодон қийқиригидан-да бегубор нарса бўлмаса керак. Осмон мисол мусаффо, тим қора кўзларини сизга қадаганча, бийрон тилда тинмай савол бераётган, мурғак қалби билан оламдаги жамик аjoyиботларни ўрганишга, мушоҳада қилишга уринаётган болакайнинг нурли чехрасига боққан ҳар қандай инсон ҳаёт ташвишларини унутди. Зотан, фарзандининг саодатли ва бахтиёр дамларини мудом кўриб яшаш ҳар бир инсон умрининг асосий мазмунидир.

Алишер ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, модоният ва спорт масалалари қўмитаси раиси,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда

депутатлар фаол иштирок этмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Ана шу эзгу мақсадда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ўз фаолиятига янгича ёндашиб иш олиб боришмоқда.

Худудни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этишда депутатлар ўз сайлов округи ҳудудидаги мавжуд муаммолар, талаб ва таклифлар, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни чуқур ўрганиши, шу юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиши айтиш мумкин. Бу борада депутатлик гуруҳимиз аъзолари йил бошиданок белгиланган режа асосида бир қатор амалий ишларни йўлга қўйдилар. Аввало, қишлоқлар, маҳаллаларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришда нимага эътибор қаратилиши лозимлиги ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари партия депутатлик гуруҳи ййгилишларида доимий муҳокама этиб борилмоқда.

Депутатлик гуруҳимиз томонидан худудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини изчил таҳлил этиб бориш, шахар ва туманлардаги ҳар бир қишлоқ, кўрғон ва шаҳарча миқёсида



"Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури"ни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсада мувофиқлигини кўрсатмоқда. Шунинг назарда тутиб, жойларда ўтказилган мониторинг ҳулосаларига таянган ҳолда бундай дастурни ишлаб чиқишда ёрдам берувчи лойиҳалар тайёрланди. Ушбу лойиҳаларда айтиш мумкин бўлган ҳудудни ободонлаштиришнинг аҳоли, аҳолисининг таркиби ва унинг бандлиги, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари билан таъминланиш даражаси, маданият ва маориф ҳолати, маиший хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилиши, оилаларнинг уй-жой таъминоти, шахсий ёрдамчи хўжалиқлардан (томорка) фойдаланиш даражаси каби муҳим кўрсаткичлар мониторинг қилиниб, аниқ вазият чуқур таҳлил қилинади. Шулар асосида мавжуд ишчи кучлари, хомашё, тадбиркорлик имкониятларини ишга солиш электорат турмуш даражасини оширишга хизмат қилишига эътибор қаратилган. Бу эса электорат манфаатлари самарали ҳимоя қилинишида амалий аҳамият касб этади.

Хусусан, Янгийўл тумани "А.Ортиқов" ва "Тинчлик" ҚФЙлари миқёсида ўтказилган мониторинглар мазкур худудларни янада обод этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида муайян ҳулосаларга келиш имконини берди. Аниқ ҳулосаларга таянган ҳолда ушбу қишлоқларнинг ҳар бири миқёсида "Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури"ни тузишга ёрдам берувчи лойиҳалар тайёрланди. Хозирда мазкур лойиҳалар халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи томонидан Янгийўл тумани ҳокими тасдиғи учун киритилди.

Айни пайтда депутатлар ва партияимизнинг туман ва шахар, бошланғич партия ташкилотларидаги фаолларидан иборат ишчи гуруҳлари худудлардаги корхоналарда янги иш ўринлари очилиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг қандай ижро этилаётганлигини мониторинг қилишга киришдилар. Ўрганишлар жараёнида, масалан, айрим корхоналар, яъни иш берувчилар касаначилар меҳнатини қонунийлаштиришда баъзи хато ва камчиликларга йўл қўйганилиги кузатилди. Касаначилар номига меҳнат дафтарчаси очилиши, ишчи қонуний ташкил этиш бўйича мутасадди раҳбарларга тавсиялар берилди. Муҳими, бундай тавсияларимиз тезкор равишда инobatга олинмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган ййгилишда депутатлик гуруҳининг бу йўналишдаги назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Камолжон ШОДИМЕТОВ,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги
Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Депутат ва ёшлар: мулоқот қизғин кечди

Фестиваль

"Баркамол авлод — Ватан таянчи". Наманган шаҳрида ана шундай шир остида ёшлар фестивали ўтказилди. Унда Фарғона водийси вилоятларидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, олий ўқув юр்தларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлиmlарининг мутахассислари, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ходимлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар масъул котиблари, ёшлар иштирок этдилар.

Фестиваль доирасида ўтказилган тадбирларда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, навқирон авлод камолоти йўлида яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар юксак самара бераётгани алоҳида қайд этилди. Иштирокчилар айни чоғда камил инсон тарбияси

ҳақида сўз юритиб, кўпчиликнинг эътиборини "оммавий маданият" ва ёшлар маънавияти масалаларига қаратиб, миллий менталитетимизга ёт гоёларнинг салбий таъсири, уларнинг асл мақсади ва оқибатлари хусусида сўз юритдилар.

Дилшод Болтабоев,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши фаоли:



— Фестивалда ёш партиядошларимиз ҳам иштирок этди. Вакилларимиз Фарғона ва Андижон вилоятлари ёшлари билан биргаликда фаоллик кўрсатдилар. Бахс-мунозараларда ва ўзаро мулоқотларда истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сариянтилаётган ёшларнинг отабоболаридан мерос бўлиб қолган юртини, туғилган тупроғини муҳаддас деб

билиши, унинг эртанги ёруғ кунини бутун борлигини бағишлаши, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёрлиги яна бир бор изҳор этилди.

Шу ўринда фестиваль иштирокчилари Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунидеги оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатда билдирган фикр-мулоҳазаларига қайта-қайта мурожаат этганликларини таъкидлаш лозим.

Юртбошимиз жумладан, шундай деганди: "Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак! Эртанги кунимиз ёруғ, осмонимиз мусаффо бўлсин, барчамиз ўз орзу-ниятимизга етайлик!"

Фестиваль доирасида амалга оширилган бир қатор лойиҳалар айлани навқирон авлод вакилларининг турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилганлиги бежиз эмас. Бундай оқимларнинг мазмун-моҳиятини изоҳлаш билан бирга уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ОИВ, ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик сингари иллатларни бартараф этиш ҳам ййигиланлар диққат марказида бўлди. Тадбир



доирасида иштирокчилар Ўзбек кино ижодкорларининг янги асарларидан бири — "Сотқин" бадиий фильмининг томоша қилдилар.

Шухрат Якубов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:
— Фестиваль катнашчилари учун ташкил этилган ҳамма тадбирлар ўзининг таъсирчанлиги ва долзарблиги билан ажралиб турди. Менга аиникса, "Депутат ва ёшлар" мавзусидаги мулоқот маъқул бўлди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга

қаратилган қонунчилик ва унинг самаралари ҳақида сўзлаб бердилар. Қабул қилинган янги қонунлар, айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги суҳбат ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

Фестиваль иштирокчилари Наманган шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. "Камолот" ёшлар боғида ўтказилган "Ёшлар оқшоми" маданий дастури тадбирга яқун ясади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Адолат» мухбири
Ҳ.МАМДАЛИЕВ (ЎЗА)
олган суратлар

Акбаржон НАЗАРОВ,
«Adolat» мухбири

ҲАР БИР КУНИ

Бунёдкорликнинг нурли манзили

Давлатимиз раҳбари

Шарқнинг гавҳарларидан бири ҳисобланган Хивада минг йиллик минора ва мадрасалар, қўшқ ва қарвонсаройларнинг ҳудди кеча қурилгандек тароватли бўлиб туришида қандай сир бор? Бунинг сири битта: ота-боболаримиз бу биноларнинг гиштини она тупроқ сийнасида қориб, уни юрак тафти, тафаккур ёғдуси, қалб меҳри-ю муҳаббати билан пишитганлар. Истиқлол шарофати билан қад тиклаган янги қўчалар, бежирим бинолар, осуда хиёбонлар, фарахбахш фавворалар, намунали қишлоқ шаҳарчалари ҳусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Уларнинг барчаси бунёдкор инсоннинг қадок қўли, юрт меҳри, Ватан севигисидан қувват олган, сайқал топган, чирой олган.

Бугун тўрт асрлик сермазмун тарихга эга Урганч тенгсиз Тошкентимиз, азим Андижонимиз, боқий Бухоримиз, жозибали Жиззахимиз, нафосатли Нукусимиз, серфайз Самарқандимиз, тароватли Термизимиз каби обод, ораста, гўзал шаҳарга, Марказий Осиёнинг энг қўркам кентларидан бирига айланмоқда. Қўпчиликка аёнки, жаҳоннинг энг мафтункор мегаполислари улар ичидан ўтган оқар сув йўлларининг соҳилларини ландшафт меъморчилигининг ноёб намуналарига айлантириш орқали шуҳрат қозонганлар. Кейинги йилларда мустақил мамлакатимиз пойтахтидаги Бўзсув, Анҳор, Салор ва бошқа табиий сув ҳавзалари қирғоғида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари фикиримизнинг ёрқин далили бўла олади. Мамлакатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган маслаҳатларига биноан Урганчнинг Шавот арнаси икки қирғоғида 15 километрлик жой замонавий дам олиш, истироҳат масканларига айлантирилди. Ёш-

лар қўли тубдан реконструкция қилиниб, у ерда ёшлар, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлар бўш вақтларини ҳар жиҳатдан мазмунли ўтказмоқдалар. Икки кема-кафеда ҳам чой, қаҳва ичиш, ҳам салқин сув ҳавосидан нафас олиш мумкин. Турли кўнгилочар уйинлар болаларнинг шодлигига шодлик қўшади. Шаҳарнинг марказий майдонини халқаро аэропорт билан боғлайдиган ал-Хоразмий шохқўчасини ажойиб замонавий бинолари, сервис нуқталари билан Тошкентдаги Алишер Навоий, Андижондаги "Ўзбекистон" шохқўчаларининг "эгизаги" деб аташ мумкин.

Президентимиз Хоразмга ҳар гал келганида бугунги қайноқ ҳаётимиз ва истиқбол билан боғлиқ муҳим йўналишларни белгилаб берадилар. Эсимизда: қадимий диёрдаги учрашувлардан бирида давла-



тимиз раҳбари қишлоқ мулкдори, фермернинг ўз жамоасидаги ҳар бир аъзонинг иқтисодий турмушини кўтариш тўғрисидаги бандларнинг гапларидан у қадар қониқмадилар. Шу ернинг ўзида фермерларнинг ер майдонларини оптимал, ўзини иқтисодий жиҳатдан оқлайдиган ҳажмга кўтариш, вилоят иқтисодиёти-



да фақат аграр тармоқ билан чекланиб қолмасдан саноат салоҳиятини кескин ошириш, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сервис соҳаси, туризмни ривожлантириш юзасидан аниқ кўрсатмалар бер-

моқда. Бу ерда замонавий йўл қуриш техникалари ҳам ишлаб чиқарилади. Хоразм наинки мустақил Ўзбекистон, балки жаҳонда тан олинган пахтачилик ҳудуди ҳисобланади. Бу ерда етиштирилаётган пахта толасининг технология хусусиятлари энг нуфузли пахта ярмаркаларида эътироф этилган, Жаҳон сифат кўмитасининг энг юксак мукофотларига муносиб топилган. Биргина Богот туманида пахта толасини қайта ишлашга йўналтирилган 4 та замонавий корхона ишлаб турибди. Ўтган йили Янгйбозор туманида 2500 тонна трикотах мато тайёрлаш қувватига эга бўлган фабрика ишга туширилди. Бундай корхона тез кунлар ичида Хива туманида ҳам ўз фаолиятини бошлайди. Юқорида таъкидланган диверсификация тадбирлари натижасида 2014 йилда Хоразмда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилга нисбатан 150 фоизга ўсди. Ви-



лоятнинг саноат салоҳиятини оширишга қаратилган қарорга кўра жами 253 та лойиҳа амалга оширилиб, 9 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Замонавий автомобиллар, экскаваторлардан ташқари металл ва полимер турбалар, холодиликлар, май-

- ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**
- » Ҳудуди: 6,3 минг квадрат километр.
 - » Аҳоли сони: 1697,9 минг киши.
 - » Олий ўқув юрти: 3 та.
 - » Ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари: 86 та.
 - » Академик лицейлар: 6 та.
 - » Умумий ўрта таълим мактаби: 532 та.
 - » Соғлиқни сақлаш муассасалари: 255 та.
 - » Жисмоний тарбия ва спорт муассасалари: 3374 та.
 - » Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари: 11201.
 - » Бошланғич партия ташкилотлари сони: 140.

Истиқболи порлоқ ҳудуд

Шаҳримиз азалдан мамлакат сайёҳлик индустриясининг муҳим марказларидан бири ҳисобланади. Буюк боболаримиз тафаккур қудрати, меъморий маҳорати билан бунёд этилган мўъжизаларни томоша қилишга келаётган сайёҳлар сони кун сайин ошмоқда.

Мустақиллик шарофати билан Хивада аграр соҳа, туризм билан биргаликда саноат ҳам жадал ривожланмоқда. Дунёга донг таратган бежирим гиламларимиз, қулоччилик буюмлари жаҳон бозорига хариддоргир бўлиб бормоқда. Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига кўра, туманимизда жами 22 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада туман иқтисодиётига 9,1 миллион АҚШ долларига эквивалент миқдордаги сармоялар киритилади. Саноат корхоналарини модернизациялаш жараёни тезлашади.

Туман саноат салоҳиятини оширишда асосан диверсификация жараёнига таянилади. "Хива металл сервис" хусусий корхонасида сифатли металл том ёпқичлар, "Аква қурилиш" масъулияти чекланган жамиятида замонавий дераза ромлари, янги бичимдаги эшиклар, мустаҳкам дарвозалар, "Хива мебель сервис" хусусий корхонасида энг сўнгги моделдаги мебель, "Бекчон уста" хусусий корхонасида юқори сифатли асфальт, "Хива маиший техника" масъулияти чекланган жамиятида замонавий совуткич ва музлаткичлар ишлаб чиқарилади. "Хива чинор савдо", "Саёт матлубот савдо", "Ражаббобо" масъулияти чекланган жамиятларининг ҳар бирида 40 тонна сизимга эга бўлган мева-сабзавот сақлагичлар қурилади. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сут, гўшт, мева, сабзавотларни қайта ишлайдиган корхоналар сони, маҳсулот тури кўпаяди, сифати ошади.

Туманимизнинг энг йирик саноат корхонаси ҳисобланган "Хоразм гиламлари" масъулияти чекланган жамиятида 3,3 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги сармоя ҳисобига йилига 4 минг тонна хомашё ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилади. Янги замонавий технологик ускуналар ўрнатилади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар жаҳоннинг қўллаб-мамлалатлари экспорт қилинади. Шунингдек, "Хива сополи" хусусий корхонасида 300 минг АҚШ доллари ҳисобида янги цех қурилади. Бу эса йилига 500 минг дона бежирим, бетакорр сопол буюмлари ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Бир сўз билан айтганда, ҳудди мамлакатимизда, унинг истиқболли ҳудудларидан бири бўлган вилоятимизда бўлган каби туманимизда ҳам саноат соҳасида янги саҳифалар очилади.

Жасурбек МАШАРИПОВ,

Хива туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари



Жаҳон андозалари даражасида

➤ Саноат

Давлатимиз раҳбари "Хоразм деҳқонининг ҳар бир куни қаҳрамонлиқдир" деб эътироф этганларида воҳанинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб ирригация ва мелиорация соҳасида катта ҳажмдаги тадбирларни амалга ошириш зарурлигини ҳам назарда тутганлар. Ҳақиқатан ҳам қудратли, замонавий экскаватор хоразмлик қишлоқ мулкдори учун мўл пахта, бўғдой, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш, таннархни камайтириш, ҳосилдорликни кескин оширишнинг муҳим манбаидир. Сабаби, Хоразм фермерлари бошқа вилоятлар деҳқонларига нисбатан уч-тўрт қорра кўп миқдорда ернинг шўрини ювади, вегетация даврида ҳам обихоётни нисбатан кўпроқ ишлатади.

Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ва 2014 йил 10 январдаги "Чет эл инвестициялари негизига "ЎЗСМГ" қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари бу йўналишда ҳам янги имкониятлар эшигини очиб берди. Айнан шу қарорларга кўра "Урганч экскаватор" ОАЖ негизига гидравлик экскаваторлар ва қурилишда фойдаланиладиган бошқа ускуналар ишлаб чиқариш, улар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳамда таъмир-

лашга ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "ЎЗСМГ" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишга туширилди. Ушбу лойиҳа доирасида 15 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Ўта замонавий андозалар даражасидаги ушбу корхона "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ва Хитой Халқ Республикасининг "Xuzhou Construction Machinery Group" корпорацияси ҳамкорлигида таъсис этилди. Қўшма корхонамиз бугунги кун-



да ўз иштини замонавий талаблар асосида такомиллаштирмоқда. Корхона тизимидаги муҳандислик тармоқлари тубдан таъмирланди, оқова сув иншоотлари янгидан ўрнатилди, ҳудуддаги темир йўл шохобчаси янгиланди, юк кўтариш мосламалари капитал таъмирдан чиқарилди. Корхонанинг дастлабки ер майдони 4,7 гектарни ташкил этган бўлса, ободонлаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида 6,06 гектарни кенгайтирилди. Ишлаб чиқариш бинолари реконструкция қилинди. Муҳандис-

лик, коммуникация тизими жаҳон стандартлари даражасига келтирилди. Ўтган йили режадаги 29 та замонавий экскаваторлар билан бирга 6 та "ТУ-160" модели бульдозерлар ҳам ишлаб чиқарилди. Шунингдек, диверсификация жараёни тезлаштирилиши эвазига замонавий экскаваторлар, бульдозерлар билан бирга йўл қуриш техника ва механизмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз. Хитой Халқ Республикасининг "Xuzhou Construction Machinery Group" корпорацияси томонидан жаҳонда кенг тан олинган



технологик аъналарни ўзлаштирмоқдамиз. Маълумки, бу нуфузли корпорация қурилиш, ирригация, мелиорация, тоғ-бурғулаш техникаларини ишлаб чиқаришда дунёдаги етакчи "Катерпилер", "Либхерр", "Тиссен Групп", "Кавасаки" каби пешқадам корхоналар билан бир сафда туради. Қўшма корхонамизда ишлаб чиқарилаётган тўла айланувчи занжирли ва гилдиракли гидравлик экскаваторлар қовшининг ҳажми 0,5 куб метрдан 1,8 куб метргача тупроқни қазиб олиш имконига эга. Мазкур техника 9,6 метрдан 10,4 метргача ҳамда 6,6 метрдан 6,9 метргача чуқурликда, шунингдек, 9,9 метрдан 10,7 метргача бўлган радиусда қазиб ишларини олиб бора олади. Двигатели 140-160 от кучига эга бу техника ирригатор ва мелиораторларга ҳар жиҳатдан

маъқул бўлмоқда. Янги техника шарофати билан айрим туманларда, илғор фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги гектарига 3-4 центнер, ҳатто 6-7 центнерга ошди, фермернинг иш унумига унум қўшилди. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 19 апрелдаги қарорига кўра тасдиқланган "2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш давлат дастури"нинг ижросида биз жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқараётган ушбу техника воситалари қўл келмоқда.

И.ҲАЙИТБОВ,
"ЎЗСМГ" қўшма корхонаси
бош директори

ЖАСОРАТДАН ИБОРАТ ВОҲА

Нурмат ЭШМЕТОВ:

“Давр нафасини ҳис этиб”

Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилояти кенгаши раиси билан суҳбат



— Кейинги ярим йил ичида Ўзбекистондаги мавжуд 4 сиёсий партия, шу жумладан, Ўзбекистон “Адолат” СДП икки муҳим сиёсий имтиҳон, яъни Олий Мажлисининг икки палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларидан ўтди. Бу мезон бевосита ва билвосита партиянинг ҳудудий бўғинларига ҳам тааллуқли экани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Суҳбатимизни айнан шу йўналишларга оид яқунлар, ҳулосалар, режалар таҳлилдан бошласак.

— Авваламбор, Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят кенгаши, партиянинг туманлар, шунингдек, жойлардаги фаоллари билан биргаликда ҳар бир кунчинг юрак уришини аниқ ҳис этиб, янгичасига ишлаш, адолат тамойиллари асосида онгли, серфаиз ҳаёт кечириш, иқтисодий ислохотлар ва маъ-

навий янгиланишларда фаол иштирок этиш, замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш, ташаббус кўрсатишни бош шiori қилиб олганимизни таъкидламоқчи эдим. Бу нуктаи назаримиз бўлиб ўтган сайловлар жараёнида ўзининг ёрқин аксини топди, амалий ишларга йўл очиб берди. Биз партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш ва электорат билан юксак савияда иш олиб боришда туб ўзгаришларга эришдик. Янги марралар, янги довлонлар эгиланди. Мустақил мамлакатимизда қарор топаётган чинакам демократиянинг муҳим намоишига айланган сайловларнинг умумий яқунларига қисқача тўхталадиган бўлсак, аввалги сайловларда эгилган нуфузимизни анча мустаҳкамлаб олганимизни алоҳида қайд қилишимиз керак. Партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзод 109-сон “Хонқа” округида галаба қозониб, айни кунда парламент куйи палатасида самарали фаолият кўрсатмоқда. Ёники халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига ўша туманда тузилган 41-сон “Қорақош” округидан туман ҳокими, Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси депутат қилиб сайлангани ҳам позицияларимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Вилоят кенгашида 8 нафар депутатимиз тўлақонли фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксария-



ти муҳим соҳалар бўйича тузилган доимий комиссияларнинг фаол, ташаббускор, етарли билим ва тажрибага эга аъзоларидир. Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоларидан Ҳазорасп туман кенгашига 6 нафар, Урганч шаҳар, Урганч, Шовот, Янгибозор туман кенгашларига 5 нафардан, Богот, Гурлан, Янгиқирқ туман кенгашларига 4 нафардан депутат сайланганини ижобий ҳол деб баҳолаш мумкин. Айни чоғда партиямизнинг айрим туманлардаги бўғинлари сайловда белгиланган марраларни эгаллаб олмаганларини ҳам яшириб бўлмайди.

— Партия адолатни тобора такомиллашиб бораётган кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, сиёсий турмушимизда демократик тамойиллар тантанасининг ва ҳар бир инсон ҳаётининг бош мезонига айлантириш устида иш олиб бормоқда. Вилоят

партия кенгаши бу борада қандай марраларни белгиланган?

— Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора чирой очиб, аҳолининг фаровонлиги юксалиб бораётгани ҳақида гапирганда, бундай янгиланишларнинг ғоят муҳим манбалари — аввало, одамларимизнинг онгу тафаккурини, дунёқараши ва кайфияти тубдан ўзгариб, уларнинг ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи тобора мустаҳкамланиб, сиёсий савияси ва ҳукукий маданияти ўсиб бораётгани ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли деб

билиман”, дедилар. Биз ўз ишимизни айнан ана шу кўтаринки кайфиятдан келиб чиқиб ташкил этмоқдамиз. Жорий йилнинг 24 апрель кунини Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят кенгашининг V пленумида кейинги даврда амалга оширган барча ишларимиз, бўлиб ўтган сайловлардаги иштирокимиз, кейинги беш йилга мўлжалланган режаларимизни муҳокама қилдик. Айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан муҳим тақлифлар ўртага ташланди. Депутатлик сўровларидан партиянинг дастурий вазифалари, электроратнинг муҳим манфаатларини рўйбга чиқаришда самарали тарзда фойдаланилаётганлиги жиддий танқид остига олинди. Ёш сафдошларимиз фаоллигини оширишда “Адолат” жилгалари” клубининг таҳсинга лойиқ ишлари борлиги, бу йўналишда Ўзбекистон “Адолат” СДП Хонқа туман кенгашининг ибратли фаолиятини оммалаштириш зарурлиги қайд қилинди. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастуридан келиб чиқадиган жорий вазифалар белгилаб олинди. Мақсадимиз давлатимиз раҳбари меҳр билан таъкидлаганларидек, ҳар бир кунини қаҳрамонликдан иборат Хоразм воҳасининг гуллаб-яшнашига, чирой очишига, янги қиёфа касб этишига муносиб улуш қўшишдир.



Буюк аждодларимиз сиймосига авлодлар эҳтироми

➤ Тадбир

Урганч шаҳрининг ал-Хоразмий шоҳқўчасида қомусий олим, улуғ бобокалонларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий ёдгорликлари барпо этилган. Буюк аждодларимизга, уларнинг бебаҳо маънавий меросига чексиз ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлган бу табаррук ёдгорликларни ҳамюртларимиз, айниқса, ёшлар тез-тез зиёрат қиладилар. Бундан уларнинг маънавий қомилликка интилишлари янода ортади, албатта.

Ёшларнинг миллий қадриятларимизга, илм-фанга бўлган меҳр-муҳаббатини кучайтириш, уларни маънавий меросимизга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида “Адолат” СДП вилоят кенгаши ташаббуси билан “Хоразм маърифати” газетаси ҳамкорлигида ал-Беруний ва ал-Хоразмий ёдгорликлари олдига “Биз — буюк юрт алломаларининг издошларимиз” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда фахрий педагоглар, “Олтин мерос” жамғармаси вакиллари, таниқли ижодкорлар, партия фаоллари, ёшлар, вилоят партия кенгаши қошидаги “Адолат” жилгалари” истеъдодлар клуби аъзолари иштирок этдилар. Тадбирда ал-Хоразмий, Беруний каби мутафаккир алломаларимиз дунё тамаддунига юксак ҳисса қўшган сиймолар экани, уларнинг бекиёс илмий мерослари асрлар оша инсониятга хизмат қилиб келаётгани, истиқлол туфайли буюк аждодларимиз номи эъзозланиб, бу борада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилганлиги алоҳида таъкидланди.

Иштирокчилар ал-Хоразмий ва Беруний яратган асарлар ҳамда уларнинг тарихий-илмий аҳамияти, улардан илм-фан оламида кенг фойдаланилаётгани хусусида сўз юритдилар.

— Буюк бобокалонларимизни хотирлаб ўтказилган бундай тадбирлар юксак даҳоси билан дунёни мангу хайратга солиб келаётган аждодларимизга муносиб издош бўлишга, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, тарихимизни чуқур ўрганишга, қадриятларимизни меҳр билан авайлаб-асрашга ундайди, — дейди Урганч давлат университети қошидаги 2-сон академик лицей ўқувчиси Акбарбек Отабеов.

Ёш ижодкорларнинг улуғ сиймоларимиз, она юртимиз ва ўз орзу-мақсадлари ҳақидаги шеърлари барчага завқ ва кўтаринкилик бағишлади.

Замира АБДУЛЛАЕВА,

“Адолат” СДП вилоят кенгаши матбуот котиби

Олтин медаллар замирида...

➤ Спорт

Бу қўтлуғ йил мен учун ҳар қачонгидан омадли келди. Йил бошида Бухорода жанговар самбо бўйича мамлакат кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.



Мен унда 57 килограммлик вазн тоифасида қатнашиб, чемпион ва олтин медал соҳиби бўлдим. Бу менинг биринчи олтин медалим эмас. Болалигимдан спорт билан шуғулланиб келаман. Бизнинг Урганч туманидаги Фойб қишлоғимиз азалдан чемпионлар қишлоғи. У ерда мен кўл жанги спорти билан шуғулланиб, беш марта соврин олдим. Урганч автомобиль йўллари касб-хунар коллежига ўқишга кирганимда спорт мурабийимиз Шухрат Йўлдошев “Биласанми, Бехзод, сенда бошқа спорт турларига қараганда самбога қизиқиш кучли экан. Агар хоҳласанг, мен сенга устозлик қилган бўлардим”, дедилар. Бажонидил рози бўлдим. Мана, 4 йилдан буён спортнинг шу тури билан шуғулланиб келяпман. Бир қанча нуфузли шохсупаларга қўтарилдим. Бу ютуқларим замирида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг спортга, шу жумладан, болалар спортига кўрсатаётган ғамхўрлиги ётади.

Бехзод ОТАЖОНОВ,

жанговар самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони

Тинчлик билан қадр керак одамга

➤ 2015 йил —

Кексаларни эъзозлаш йили

Аллоҳга беодад шукрлар бўлсинки, унинг инояти, эл-юрт, замондошлар, фарзанду невараларим кўршовида 94 ёшга кирдим. Баъзан кўз олдимга бундан саксон йил муқоддам, 14 ёшимда катталар қатори киши пайтида ариқ-арна қазгани чиққаним келади. Изғирин юзга консиз игналар санчади. Қўлларим тарашодек қотиб қолган. Ариқнинг ўзани эса темирдан қаттиқ. Аммо менга ўлчаб берилган 10 қадам ўзанни белгиланган соатда тозалашим шарт.

Ҳам совуқ, ҳам иложсизликдан йиғлаб юборай деб турганимда бўйи чинордек, халқ достонида Гўрўгли билан беллашган Бозиргонни эслатадиган барзанги одам келиб, бошимни силади, белкурғимни қўлига олиб, эгови билан ўқтирлади. Кейин ўзан тупроғини олишининг йўлини кўрсатди. Метин ўзанга белкурғак билан дарз солиб, тагидан кўтариш керак экан. Бу “тажриба”дан кўра, ўша одамнинг бошимни силагани, руҳимни кўтаргани, бу дунёда ёлғиз эмаслигимни эслатгани қувват бўлди. Нормамни бир соат олдин бажардим. Мукофотга бир буханка нон беришди. Уни фуфайкамнинг ичига солиб, ҳалғи одамнинг ёнига бордим. Яримни бўлиб бермоқчи эдим, “Йўқ, болам, ўзинг егин. Менга келиб раҳмат айтганингнинг ўзи етади. Инсон ҳамиша бир-бирини қадрлаши керак. Бошинг тошдан бўлсин!” деди. Кейин менга бир қисм жийда билан қўйнинг “ошиқ суюғи”ни совға қилди.

1943 йили Боготдан Иккинчи жаҳон урушига жўнатишди. Бир неча ойлик жанговар тайёргарликдан сўнг 3-Белоруссия фронтига, уруш тақдири ҳал бўлаётган жойларга етиб бордик. Могилев яқинида биринчи жангга кирган кўнимиз ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Ҳамма ерни оппоқ қор қоплаган, асосан қайин ўсгани учун ўрмон ҳам оппоқ. Биз қийган пўстинларимиз ҳам оқиб рангда эди. Рейх аскарлари биз томонга селдек ўқ ёғдиришар, бош кўтариш мумкин эмас эди. Аммо урушда бир темир қоида бор. “Политрук” ўрнидан туриб, “Олга!” дедими, бас: изидан чопаверасиз. “Атакага!” деган ҳайқирик янграши билан ҳаммамиз оёққа туриб, душман томонга интилдик. Ўқ ёғири остида қолсак ҳам тепаликни ишғол этдик. Вэводимиздан уч нафар

ўртоғимиз ҳалок бўлди. Менинг гимнастеркамнинг чап чўнтагини, нақ юрагимнинг устини сочма ўқ ялаб ўтди. Кечқурун окопда гимнастеркамнинг йиртилган кўкрак чўнтагини тикиб ўтириб, учга бўлиниб кетган ўша “ошиқ суюғи”ни қўлга олдим. “Найман” қишлоғимизда, қаҳратон қишда, ариқ қазганимизда менга бир кафт жийда билан қўйнинг “ошиқ суюғи”ни берган азиз инсон олис Белоруссия ўрмонида, қақшаткич жангда у берган бир суюқ парчаси менинг юрагимни асраб қолганини билармикан?! Билмасам ҳам унга минг бора раҳмат!

Белоруссиядан кейин Польша заминини фашистлардан озод қилдик. Брестдан Берлингача деярлик эмак-лаб бордик, ҳар бир қарич ер учун жон олиб, жон бердик, десам ишонаверинг. Неча марта ўқ тегди, неча марта ярадор бўлдим, неча марта госпиталнинг шифтига қараб ўлимимни кутдим, бунинг барини ичим билди. Эсимда қолгани Минскдан Мюнхенгача юзлаб шаҳар ва қишлоқлар, минглаб меъморчилик мўъжизаси бўлган биноларнинг қули кўкка соврилгани. Ахир, бу гўзалликни, пайҳон бўлган, қултепага айланган богроғлар, хиёбонларни, шиадек раво кўчаларни рус, белорус, украин, поляк, чех, бордингки, захматқаш немис халқи қадоқ қўллари билан тиклаган, бу ишга бир неча юз йиллик умрини, маблагини сарфлаган эди-ку...

Телевизор орқали Президентимизнинг 8 май кунини МДХ раҳбарлари учрашувига сўзлаган маърузасини тингладим. У киши бутун жаҳон ҳамжамиятига, шу жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгашига қарата холис гаплар айтди, бугун башарият устида хавф солиб турган хатарларни вақтида бар-



QAYERDA KEKSALAR BO'LSA,
ULARGA E'TIBOR BO'LSA, SHU JOYDA
FAYZ BOR, BARAKA BOR!

тараф қилайлик, эртага кеч бўлиши мумкин, дедилар. Даҳшатли урушда қон дарёларини кўрган биз уруш фаришлари бу ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Инсониятга қуруланиш пойгаси эмас, илм ва технологияларнинг тинч мақсадлардаги тантанаси керак. Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида давлатимиз раҳбари биз ҳақимизда алоҳида меҳр билан гапирдилар. Қўшимча пул мукофоти, совғага телевизор, ҳатто замонавий уяли алоқа воситаси олдик. Ҳаммасидан улуғи эса юрт билан юрт раҳбарининг ҳурмат-эътибори.

Ҳар бир инсон зиммасида икки инсоний бурч бўлади. Биринчиси она юртининг тинчлигини асраш бўлса, иккинчиси унинг маъмурчилиги йўлида меҳнат қилиш. Нокаментарликка йўйманг, мен бир умр меҳнат қилиб келаётган одамман. Сизлар бу сўзларимни ёзиб олишга келганларингизда богда тоққайчи билан юрган эдим. 1946 йилнинг декабрида Боготга келиб, отамга, онамга, элдошларимга салом бериб, қадрдон соҳилларни кезгач Хивага, механизаторлар курсига йўл олдим. 46 йил жамоа ҳўжалигида тер тўқдим. Мукофотлар олдим. Кўп нарсани кўрдим, кўп жой-

ларда бўлдим. Аммо бугунги озод Ўзбекистон равнақидек равнақ этти ухлаб тушимизга ҳам қирмаган. Қишлоғимизда пайдо бўлган янги намунали шаҳарчага ҳар қанча тасанно айтса арзийди. Биз бир вақтлари биринчи синф дарсларини қишлоқ гўжуми тагида тинглаган эдик. Бугунги мухташам мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежларини кўринг. Мен Оврупода уч йил жанг қилиб, не-не гўзал иморатларни кўрмадим. Аммо энг чиройли қасрлар қайсидир князу герцогларга тегишли экан. Бизнинг Президентимиз эса энг аjoyиб биноларни болаларга, кексаларга қуриб бермоқда. Кеча кечқурун яна Оврупони эсладим. Чунки фермер ўғлим Бекпўлат, олий маълумотли иқтисодчи ўша қиътанинг “Holland” русумли тракторини келтирди. Йўлдошбой деган ўғлим янги болалар мусика ва санъат мактабида дарс берапти. Ҳар бир ўғлим, ҳар бир қизим, ҳар бир неварам ва чеварам билан гапласам, мустақил Ўзбекистоннинг бир янги қирраси очилиб келаверади. Шу обод Ватанга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Марат ЯМҒУРОВ,

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

Қўш саҳифани «Adolat» муҳбири Ҳайтбек ҚўЧҚОРОВ тайёрлади. Суратлар муаллифи Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА)


“ОНЛАЙН ДЕПУТАТ”: муаммо ечим топишида томонлар бирдек масъул

Даврон. Боши 1-бетда

Мазкур давр ораллигида йўлланган савол ва муножаатларни таҳлил этадиган бўлсак, фуқароларда муайян масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, кундалик турмушда кўзга ташланаётган у ёки бу муаммо ва камчиликлар устида бош қотириб, ўз муносабатини билдиришда фаоллик ошганини кўриш мумкин.

Ана шундай муножаатлардан бирида фуқаро Голибжон Маматқулов тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳақида маълумот сўраган. Муножаатга жавобан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Фарҳод Абдуллаев ёш оилалар учун бериладиган имтиёзли ипотека ва истеъмолад кредитлари ҳақидаги маълумотлар билан таништирди. Шундан сўнг фуқаро кўичилик-насличилик билан шўгулланиш мақсадида истеъмолад кредити олгани, аммо айрим муаммоларга дуч келганини билдирган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алишер Шодмонов бундай ҳолатлар ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни асосида тартибга солинишини айтиб, мазкур қонун моддаларини шарҳлаб, саволга жавоб берди.

Навоий давлат кончилиги институтини қўшидаги академик лицей ўқувчиси Дилафрўз Расулова 2012-2014 йилларда француз тили бўйича фан олимпиадасининг вилоят босқичи ғолиби бўлгани, 2015 йилги олимпиадада ҳам иштирок этиб, етарли балл тўпловмагани, аслида ўз билимига ишонгани сабаб бундан норозилигини билдирган.



Ушбу муножаатда кўтарилган муаммони ҳал этишга амалий кўмак сўраб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси номидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигига расмий хат жўнатилди. Шу юзасидан келган жавоб хатида ўрта махсус касб-хунара таълими маркази директорининг ўринбосари З.Худайбердиев бу масалага ўз муносабатини билдириб, фан олимпиадаси апелляция комиссиясининг хулосаларини тақдим этди.

Муқимжон исмли фуқаро Тошкент шаҳар Бектемир туманида жойлашган Канализация ва оқава сувларни тозалаш корхонасини чиқаётган қўланса хид экологияни бузаётгани ҳақида шикоят қилган. Фуқаронинг муножаатида бу яқин атрофда яшовчилар, турли корхоналарда ишловчилар, Тошкент вилоят марказий касалхонаси ҳамда 5-шаҳар касалхонасида даволанувчиларнинг соғлиғига зарар етказувчи антисанитария ҳолатини вужудга келтираётганини айтилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Даврон Тангиров ушбу масала юзасидан

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига депутатлик сўрови юборди. Қўмита раиси ўринбосари А.Мустафидан келган жавоб хатида ҳақиқатдан ҳам Бектемир туманида каналланиб, бунга сабаб сифатида куннинг мавсумий юқори ҳарорати, ишчиларнинг лоқайдлиги ва иншоотнинг технологик жараёнида эксплуатация қоидаларига риоя қилинмаганлиги кўрсатилган. Мазкур масала Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимиятнинг тегишли қарорлари ҳамда Ислон ривожланиш банки томонидан ажратилган инвестиция маблағлари ҳисобига 2017 йилга қадар ҳал этилиши қайд қилинган.

— Хоразмлик Шавкат Авазметов “Онлайн депутат” орқали муножаатида ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотида оид қонуннинг айрим моддаларига ўзгартириш киритиш юзасидан ўз тақлифларини йўллаган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Полновов. — Албатта, билдирилган тақлифлар фракциямизнинг қонун ижодкорлиги фаолияти давомида тегишли муҳокамалар доирасида қўриб

чиқилади. Бу каби сиёсий фаол фуқароларимизнинг таътилатлик сўрови юборди. Қўмита раиси ўринбосари А.Мустафидан келган жавоб хатида ҳақиқатдан ҳам Бектемир туманида каналланиб, бунга сабаб сифатида куннинг мавсумий юқори ҳарорати, ишчиларнинг лоқайдлиги ва иншоотнинг технологик жараёнида эксплуатация қоидаларига риоя қилинмаганлиги кўрсатилган. Мазкур масала Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимиятнинг тегишли қарорлари ҳамда Ислон ривожланиш банки томонидан ажратилган инвестиция маблағлари ҳисобига 2017 йилга қадар ҳал этилиши қайд қилинган.

Шунингдек, муножаатларнинг аксарият қисmini ташкил этаётган ҳуқуқий мавзуга оид саволларга депутатларимиз жавоб бермоқдалар. Масалан, Жамолхон Акбаровнинг саволига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Бурхонов, Роҳат исмли фуқаро саволига фракциямиз аъзоси Мақсуд Қурбонбоев, Панжи Бўриевнинг саволига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Саидрасул Сангинов, Қадим Ҳуса-

иновнинг саволига депутат Мирағзам Мирқосимов, Бегзод Суннатуллаевнинг саволига депутат Абдумавлон Қосимов жавоб берди. Пластик карточка орқали тўловларни амалга оширишда нуқулайлик туғилаётганини ёзган Дилором исмли фуқарога қўйи палата депутати Улғубек Саматов томонидан масала юзасидан зарур тушунтириш берилди.

— Анчадан бери мени шахсий ҳаётимга оид бир муаммо ўйлантирарди. Бу ҳақида қатор мутахассислар, тегишли соҳа ходимларидан йўл-йўриқ сўрадим, аммо тугал жавоб ололмадим. Партия сайтига кирганимда “Онлайн депутат” ҳақидаги эълонга кўзим тушди ва саволимни ёзиб қолдирдим. Кўп ўтмай электрон почтамага Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Якубовдан жавоб хати келди. Тўғриси, буни кутмагандим. Депутат ҳолатини теран таҳлил қилиб, қонуний меъёрларни лўнда ва тушунарли услубда баён қилибди. Кўнглим хотиржам бўлди. Сайловчиларнинг манфаатлари, ўй-ташвиши билан қизиқаётган депутатларга ўз миннатдорчилигини билдирман, — дейилди партиямиз электрон почтасига келиб тушган Саид Раҳмоновнинг жавоб хатида.

“Онлайн депутат” интерактив хизматида келиб тушаётган муножаатлар таҳлили бугун фуқаролар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда учраб турадиган муаммоларга бефарқ эмасликларини, муайян ҳудуд ёки умумжамиат ҳаётига доир масалаларга шахсий дахлдорлик билан ёндашаётганликларини ҳамда бундай масалалар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол

иштирок этаётганликларини кўрсатмоқда.

Шунга қарамай, бизга йўлланаётган шикоят мазмунидagi муножаатларда айрим фуқаролар муаммонинг ечимини топиш учун етарлича маълумот бермаётганликларини ёхуд ушбу жараёнда уларга қатъият етишмаётганлигини ҳам айтиб ўтиш ўринли, назаримизда. Агарда муножаатларда муаммо мавжуд бўлган жой, жабрланувчининг исм-шарифи, шикоят қилинаётган ташкилотнинг тўлиқ манзили ва номи аниқ ёзилса, лойиҳамиз Низомиди таъкидланган тежкорлик тамойилига путур етмаган бўларди.

Масалан, Ахроржон исмли фуқаро Тошкент шаҳридаги университетлардан бирида ўқийдиган қизининг талабалар уйига жойлаштириш қийинчилиги туғдираётгани, вақтинчалик рўйхатда турмагани боис ижара уйида яшаш ҳам муаммо бўлаётганини айтган. Аммо хатда на факультет номи, на талабанин исм-шарифи ва на ижара уйи манзили берилган.

Кўп қаватли уйда яшовчи Гўзал Шоисаева бир неча йилдан бери уй тоmidан чакка ўтаётганини маълум қилган. Ушбу муножаатни ўрганиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Абдумавлон Қосимовга топширилди. Депутат тегишли ташкилотга депутатлик сўрови жўнатиш учун тайёргарликни бошлади ва бу учун фуқародан керакли ҳужжатларни сўради. Зеро, шикоятда айтилишича, бу масала бир неча бор кўтарилган, аммо натижа чиқмаган экан. Депутатга асос учун аввал жўнатишган хатлар нусхаси керак бўлди. Иш шу жойига келганида негадир фуқаро ҳаракат қилишни тўхтат-

ди, муаммо муаммолигича қолди.

Феруз исмли фуқаро икки йилдан бери банкдан кредит ололмаётгани, унинг хат орқали қилган муножаатларидан натижа чиқмаётганини баён қилган. Аммо номи кўрсатилган банк билан боғланилганда бу фуқародан муножаат келиб тушмагани айтилмоқда. Масалага оидинлик киритиш учун ушбу фуқаро билан боғланиш имкони бўлмади, чунки алоқа учун қолдирилган маълумотлар ноаниқ экан.

Демакки, айрим масалаларга ечим топишда фақатгина депутатларимизнинг жонқуярлиги кифоя қилмайди. Ушбу жараёнда муножаат эгасидан ҳам биз билан алоқада бўлиб туриш, зарурат туғилганда, қўшимча маълумот бериш талаб этилади. Муножаатда телефон рақами, электрон почта манзилини қолдираётганлар билан қайта алоқага чиқиб, юзага келган чалқашликларга аниқлик киритиш имконияти туғилаяпти. Бу каби шахсий маълумотлар фақат сайт маъмурияти учун очик бўлади ва уларнинг аноним сакланиши қафолатланади. Аммо баъзан алоқа учун маълумотлар нотўғри кўрсатилган ҳолатлар ҳам кузатилаётганини айтиш жоиз. Бинобарин, муножаат қилувчининг хоҳишини яна бир — ўз муаммосига ечим топиш. Депутатнинг мақсади эса фуқаронни қийнаб келаётган масала ҳал бўлишига кўмак беришдан иборат. “Қарс икки кўлдан чиқади” деганларидек, бу ишга ҳар икки тарафдан масъулият билан қаралсагина, “Онлайн депутат” моҳиятан ўз вазифасини удралайди.

Дурдона АЛИМОВА,

интерактив хизмат координатори

Навкентлик Насибанинг ибрати

➤ “Адолат”нинг адолатли аёллари

Кейинги икки йил мобайнида Янгиқўрғон туманида партиямиз аъзолари сони қарийб уч баравар ўсди, БПТлар ҳам икки баравар кўпайди. Сафимизга қўшилганлар орасида турли касб эгалари борлиги партиямизга аҳолининг кенг қатламлари ўртасида қизиқш ва ишонч ортаётганлигидан далолат беради. Хусусан, фермер хўжаликлари ишчилари, тадбиркорлар, маданият ва халқ таълими ходимлари, шифокор сафдошларимиз кўпчилигини ташкил этади. Улар бугунги кунда “Адолат” СДП ғоялари ва дастурини тарғиб қилишда фаол иштирок этмоқдалар.

— Партиядошларимиз орасида, айниқса, тиббиёт ходимларининг салмоғи тез ўсаётганлигини кузатиш мумкин, — дейди туман партия кенгаши раиси Дилафрўз Тўхтасинова. — Бунда сафимизда олдиндан кўпчилигини ташкил этган саломатлик посбонлари тарғибот ишларини намунали олиб борганлиги, фаолларимизнинг ҳам ўзаги айнан шу соҳа вакилларидан тарқиб топиб келганлиги ижобий аҳамият касб этапти.

Ана шундай партиядошларимиздан бири — Навкент қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачси Насиба Раҳмонованинг фаолияти билан танишдик. “Адолат” СДП туман кенгашининг аъзоси Н.Раҳмонова партия сафларини ўстириш, сиёсий кучининг таянчи бўлган қўйи бўғинлар фаолиятини кенгайтириш борасида жонқуярлик билан амалий ишлар қилмоқда. Ҳудудда партиямиз давми, фуқароларнинг унга бўлган қизиқишлари ортаётганини туманда 2014 йилда учта, бу йил эса битта қишлоқ врачлик пунктида янги БПТ фаолият бошлаганида ҳам кўриш мумкин. Сафларимизни янги тўлдирган тиббиётчилар сони қирқ кишидан зиёд бўлди.

Партиядошимизнинг хизмат вазифаси юзасидан зиммасига юкланган жамоатчилик топшириқларидан бири — туман тиббиёт бирлашмасида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини мувофиқлаштириш. У мазкур йўналишда тузилган кенгаши раҳбарлик қилмоқда. Шунинг учун хизмат юзасидан ҚВПларда тез-тез бўлиб туради. Албатта, биринчи навбатда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш масалалари билан машғул бўлади. Ўрни келганда эса “Адолат” СДП ҳақида, унинг Сайловолди дастурида илгари сурилган масалалар тўғрисида гапириб беради. У партия ишига қизиққанларни Устав билан таништиради, бошқа за-



рур адабиётлар билан таъминлайди. Кейин бевожита янги аъзолар қабул қилиш масаласи кун тартибига қўйилади.

Шу ўринда Насибани Навкентдаги Хуррият ва Равот маҳалла фуқаролар йиғинларининг аҳолиси қўли энгил шифокор сифатида хурматлашларини ҳам таъкидлаш жоиз. Насиба Раҳмонова Андижон тиббиёт институтини тамомлагандан сўнг Янгиқўрғон туманидаги марказий поликлиникада иш бошлаб, кейинчалик қишлоқ врачлик амбулаториясида шифокорлик қилди. Хозирда ҚВПда умумамалиёт врачси, уни қишлоқдаги мактабда, маҳалладошлари орасида тез-тез учраш мумкин. Бундай ўзаро мулоқотларда у ёки бу касалликнинг олдидан олиш, тиббий маданиятни ошириш масалалари тилга олинади.

— Мен тиббий хизмат кўрсатадиган ҳудудда беш минг нафардан зиёд аҳоли яшайди, — дейди Насиба Раҳмонова. — Ҳар бир кишини йилга тиббий қўриқдан ўтказамиз.

Болалар, ўсмирлар, аёллар, қариялар — барча ёшдагиларнинг тиббий қўриқдан ўтиши борасида ҳисоб-китоб юргизилади. Диагностикага, яъни ташхис қўйишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Хасталанган кишилар дарддан фориг бўлгунларига қадар шифокор сифатида назорат қилиб борамен. Соғломлаштириш ишлари туман марказий поликлиникасидаги соҳалар бўйича мутахассислар билан биргаликда ташкил этилмоқда.

Масалан, қишлоқдаги ўқувчилардан бири Чарос Зокиржонова икки йил

онаси билан суҳбатлашиб, нималарга кўпроқ эътиборли бўлиш лозимлигини тушунтирди. Чарос икки мартадан шифохонада ва амбулатор шариотда даволанди, Чортоқдаги болалар санаторийсида ҳам муолажалар олди. Орада мактабдаги машғулотларини ҳам қолдирмади. Ниҳоят, яқинда Чарос дарддан бутунлай фориг бўлди.

— Насиба опа каби шифокорлар борлигидан хурсандман, қизим ҳеч нарсаси кўрмагандай бўлиб кетди, — дейди унинг онаси Наргиза Абдурахмонова. — У киши ўз касбини пухта ўзлаштирган, тиббиётнинг замонавий усулларидан ҳам яхши хабардор. Айни пайтда одамлар билан муомала қилишнинг ҳадисини олган. Беморни ўз фикрига, яъни шифо топиши муқаррарлигига ишонтира билади.

Бундай фикрларни навкентликларнинг кўпчилигидан эшитиш мумкин. Бугунги кунда у туманда ҳам кўзга қўринган, тажрибали шифокорлардан саналади. Ўтган йили Насиба Раҳмонова Мустиқиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонида мувофиқ “Шухрат” медали билан тақдирланди.

— Камтарона меҳнатим шу қадар юксак баҳоланганидан ниҳоятда миннатдорман, — дейди у. — Бундан кейин ҳам халқимизнинг саломатлигини сақлаш йўлида бутун куч-ғайратим ва билимимни сарфлайвераман.

Бугунги давр аёли замон билан ҳамнафас, фидойи, ижтимоий-сиёсий фаол бўлмоғи лозим. Шунга интилган ҳолда жамоатчилик фаолиятини ҳам сусайтирмайман, албатта. Чунки эришган ютуқларимда “Адолат” СДП ва партиядошларимнинг ҳам улуғлиги борлигини чин дилдан ҳис этаман.

Навкент ҚВП қошида Насиба Раҳмонова раҳбарлик қилаётган бошланғич партия ташкилоти туманда энг намунали БПТлар сирасига қиради. Катта ҳамшира Насиба Юсуфбоева, лаборант Дилфуза Тожиева, ҳамширалар Санобар Холматова ва Раҳбарой Юсуфбоевалар энг фаол партиядошларимиздан ҳисобланишади. Улар қишлоқ аҳлига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга астойдил ҳисса қўшиб келмоқдалар. Тез орада БПТларимиз сафи яна кенгайди. ҚВП ходимларидан беш нафари партияга қабул қилишни сўраб ариза беришган. Демак, “Адолат” СДПнинг бу маскандаги аъзолари сони ўн беш кишига етади, партиямизнинг ҳудудда обрўсини янада кўтариш, унинг ғоя ва мақсадларини кенгроқ тарғиб этиш имконлари ортади. Бу ишда ҳар доимгидай Насиба Раҳмонова сафдошларига ибрат бўлаверади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,

«Адолат» муҳбири

➤ 2015 йил —

Кексаларни эъзозлаш йили

Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, тизимдаги барча ташкилотлар фаоллари томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури асосида белгиланган вазифаларга мувофиқ, нурунийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларга иззат-икром кўрсатишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Меҳру ардоғимиз сизга, устозлар



Энг асосийси, мазкур тадбирлар доирасида уларнинг соғлиғи, турмуш тарзи, мамлакатимизда ўзлари учун яратилган имкониятлардан фойдаланишлари ўрганилиб, зарур ёрдамлар берилаяпти.

Нукус шаҳар партия кенгашининг бир гуруҳ фаоллари шаҳардаги 10-сонли кўзи оҳиз ва заиф қўрувчи болалар махсус давлат мактаб-интернатида ўз ҳаётини ёш авлодга таълим беришга бағишлаб, ушбу даргоҳда ҳалол меҳнат қилган нуруний устозлар билан ҳозирда ўқувчиларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчи-устозларнинг учрашувини ташкил қилдилар. Шунини айтиш жоизки, таълим даргоҳидаги ўқитувчиларнинг деярли барчаси сафдошларимиздир.

— Мамлакатимизда биз кексаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар учун доимо миннатдоримиз, — дейди узок йиллар ўқитувчилик касбини улуғлаб, шогирдларига катта ибрат кўрсатган меҳнат фахрийси Қувватбой ота Шарапов. — Таълим даргоҳларига борганимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган катта ишларнинг натижаларини кўриш биз учун ниҳоятда қувонарлиқдир. Чунки устозлар ўқувчиларни ўз фарзандидай қўради, уларнинг билимдон ва яхши инсонлар бўлиб улғайишлари учун доим жонқуярлик ва фидойилик қилади.

Ушбу даргоҳда имконияти чекланган болаларга таълим-тарбия бериб келаётган тажрибали устоз Перийда опа Сабзадаева ҳам партиямиз фаоллари олиб бораётган хайрли ишлардан мамнун эканлигини шундай таъкидлади:

— Ўтган йили мактаб-интернатимиз ётоқхонасига партия ташаббуси билан “Бола қувончи — олам қувончи” лойиҳаси асосида ўрнатилган қуёшдан электр энергиясини ҳосил қилувчи ускуна бугун тарбияланувчиларимизга хизмат қилмоқда.

Тадбир якунида нуруний устозларга партиянинг эсдалик совғалари берилди. Бу каби эзгу ишлар Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидаги партия бошланғич ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

Ружаб ОТАРБАЕВ,

Ўзбекистон “Адолат” СДП

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси биринчи ўринбосари

Мурожаатларга оид ҳуқуқий асос такомиллаштирилди

➤ “Адолат” шарҳи

Хабарингиз бор, 2014 йилнинг 4 декабрида матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни билан фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартиби янада такомиллаштирилди.

Қонунда юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди. Мазкур соҳадаги қонунбузилиши учун жавобгарлик белгиланиб, давлат органлари мансабдор шахсларига мурожаат қилиш тартиби аниқлаштирилди, мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга қўйиладиган талаблар белгиланди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамланди.

Жумладан, мурожаатларни бериш ва

уларни қўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни қўриб чиқиш асослари, мурожаатларни қўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зарарни компенсация қилиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам қонунда ўз ифодасини топди.

Маълумки, аввалги “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатлари тартибга солинмаган эди. Эндиликда эса янги қонунда замон талабларидан келиб чиқиб, электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бинобарин, жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли идора ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланди.

Шунингдек, қонун талабларига мувофиқ, юридик шахсларнинг мурожаатида юридик шахсларнинг тўлиқ номи, унинг

жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан электрон шаклда мурожаат этилганда бундай мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа рекузитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши кераклиги ҳам қонунда ўз ифодасини топди.

Қолаверса, давлат органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишнинг ташкил этилиши, бунда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадвали тузилиши ва унда қабул вақти, жойи кўрсатилиши ҳамда қабулга олдидан ёзилиши тўғрисидаги ахборот мавзуд бўлиши шарт қилиб қўйилди.

Бундай жадвал маъмурий бинонинг ҳамма қўриши мумкин бўлган жойларига жойлаштирилади. Қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида ҳам эълон қилинади.

Давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил эти-



лиши мумкинлиги белгилаб берилди. Мурожаат этувчиларнинг хавфсизлиги кафолатларига — мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъйиб этиш ман этилишига оид янги норма киритилди.

Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шартлиги белгиланди.

Бундан ташқари, ушбу қонунда мурожаатларни қўриб чиқиш муддатлари ўрнатилди. Яъни: ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан **ўн беш кун** ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса **бир ойгача** бўлган муддатда қўриб чиқиладиган.

Ариза ва шикоятларни қўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материал сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар қўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни қўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узогий билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда му-

рожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига келиб тушган кундан эътиборан **бир ойгача** бўлган муддатда қўриб чиқиладиган, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга **ўн кунлик** муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Бундан ташқари, мурожаатни қўриб чиққан давлат органи мурожаат этувчига қўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши шарт.

Шунингдек, мурожаатларни қўриб чиқаётган давлат органи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақса-

Раҳбарлик юқини ўз зиммасига олган ҳар бир киши жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза ва шикоятларини масъулият билан қўриб чиқиши лозим. Чунки ҳар бир мурожаат инсон тақдирига дахлдордир. Бу ишда сансоларликка йўл қўйиб бўлмайди. Мурожаатларни ҳал этишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилсак, қўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини устун қўйсак, уларнинг давлат органларига бўлган ишончи янада мустаҳкамланиб, мамлакатимиз бундан тараққий этаверади.

Жамшид ИРГАШЕВ,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...


Сиэтлда бўлиб ўтган ICRA 2015 конференциясида Массачусетс технология университети олимлари ўлчамлари жуда кичик роботни намоиш қилишди. Кизиги шундаки, бу митти робот қаттиқ сатҳда ҳаракатланиш билан бир қаторда сувда ҳам бемалол суза олади.

Onlineгашрида эълон қилинган маълумотларга қараганда, митти роботнинг вазни бор-йўғи граммнинг учдан бирини ташкил қилади, узунлиги эса 1,7 сантиметр, холос. Ташқи қўриниши митти баргни эслатадиган поливинилхлорид қурилма иссиқлик таъсирида керакли шаклга кириб, сонияда уч-тўрт сантиметр масофани босиб ўтади.

Робот ҳаракати магнитлар жамланмасига асосланган: бир магнит дронинг ўзида, яна тўрт электромагнит катушкеси эса иш сатҳининг қуйи қисмида жойлашган.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, ўз вазифасини бажариб бўлганидан сўнг роботни бемалол ацетонда эритиб юбориш мумкин.

Тадқиқотчилар янги инновацион ишланма айниқса, тиббиёт соҳасида қўл келишини қайд этишмоқда. Зеро, поливинилхлорид сувда эрийдиган материалга алмаштирилса, бундай роботларни муайян вазифаларни бажариш учун инсон танасининг истаган узвига имплантация қилса бўлади.



ЕВРО-2016: СТАДИОНДА ЧЕКИШ МАН ЭТИЛАДИ



2016 йилнинг 10 июнь-10 июль кунлари Франциянинг ўнта шаҳрида ўтадиган футбол бўйича Европа чемпионатидаги барча ўйинларида чекиш катъиян ман этилди.

Турнир ташкилотчилари пасив чекувчиларни тамакиннинг заҳарли тўтунидан халос қилиш, шунингдек, ёш ишчибозларга соғлом турмуш тарзини амалда намоён этиш мақсадида шундай қарор қабул қилишганини таъкидлашмоқда.

Хабарларга кўра, стадионларда махсус тайёргарликдан ўтган 6,5 минг кўнгилли ишчибозларнинг ўйинни чекмасдан томоша қилишларини назорат этиб туради.

Ўтган шанба кундан бошлаб УЕФАнинг расмий сайти орқали Европа чемпионатида кўнгилли бўлиб иштирок этишга хоҳиш билдирганларнинг бюртмалари қабул қилинмоқда. Кўнгиллиларни танлаб олиш ишлари ноябрь ойида якунланади. Эслатиб ўтамиз, 2012 йилги чемпионатда дунёнинг турли мамлакатларидаги волонтерлик истагида бўлган ишчибозлардан 23 965 та ариза келиб тушган ва бу борада рекорд ўрнатилган эди.

“ЕВРОПА”НИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Маълумки, ўз даврида Галилео Галилей Муштарий (Юпитер) сайёрасининг тўрт йўлдошини аниқлаганди. АҚШ шу йўлдошларнинг энг кичиги бўлган Европа яқинига ҳозирча Europa Clipper деб юритилаётган сайёраларо станция учун лозим илмий жиҳоз-ускуналарни 2020 йилда етказиб боришни режалаштирмоқда.

Албатта, НАСА мутахассислари бежиз бу йўлдошга кўз тикишмаяпти. Гап шундаки, ўн йилча бурун Европа ёнидан Galileo деб аталган фазовий станция 11 марта учиб ўтганди. Олинган суратларни ўрганишлар, тадқиқотлар Европа йўлдоши сатҳини эгаллаган муз тағида улкан океан бўлиши мумкинлиги ҳақидаги илмий башоратларни юзга келтирди. Ҳисоб-китобларга кўра, муз остидаги шўр сув миқдори бизнинг заминимиздаги океанлар сувига қараганда икки баробар кўп. Демак, сайёранинг ўз йўлдошига кўрсатадиган таъсири тўғрисидаги кўп қўрилиш ва пасайишда юзга келадиган энергияни ҳисобга оладиган бўлсак, айнан Европа йўлдоши Кўёш тизимида ҳаёт яратилишига энг мос номзод эканлиги аён бўлади.

Эслатиб ўтамиз, Юпитернинг яна икки йўлдоши, шунингдек, Зухал (Сатурн) йўлдошларида ҳам муз ости океанлари мавжудлиги тахмин қилинмоқда. Улардаги шароит сайёрамизнинг Антарктика ҳудудида яқин келиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

2012 йили Hubble телескопида олинган суратда Европа йўлдошининг муз сатҳида гейзерлар, яъни ўқтин-ўқтин отилиб турадиган иссиқ сув булоқлари кўзга ташланди. Бу эса тадқиқотларни анча осонлаштиради — юзани бурғулашга эҳтиёж қолмайди.

Europa Clipper станцияси уч йил давомида Юпитер атрофида айланиб юради. Бу давр мобайнида станция Европа йўлдошига 45 мартаба 25 километрдан 2,7 минг километрга қадар яқинлашади.

Лойиханинг умумий бюджети 2 миллиард долларга тенг деб баҳоланмоқда. Станция фазога Atlas V ёки Space Launch System космик кемаси ёрдамида олиб чиқилади. Europa Clipperда НАСА олимлари томонидан 33 лойиҳа ичидан танлаб олинган тўққиз турдаги илмий жиҳоз ва қурilmалар ўрнатилди. Булар йўлдош юзасини аниқ суратга оладиган ҳамда таркибини аниқлайдиган камера ва спектрометрлар, муз қалинлигини ўлчайдиган ҳамда сув қўлларини излаб топадиган радарлардир. Магнитометр ва иссиқлик нурланишини таҳлил этадиган қурilmалар океан чуқурлигини ўлчайди. Мэриленддаги Жонс Хопкинс университетининг амалий физика лабораториясида Жозеф Вест-лайк бошчилигида тайёрланган махсус Plasma Instrument for Magnetic Sounding қурilmаси эса сувнинг тузланши даражасини аниқлайди.

Нихоят, лойиҳа учун махсус яратилаётган Mapping Imaging Spectrometer for Europa қурilmаси кимёвий тарихини, ҳусусан, туз, минераллар, органик моддалар миқдорини аниқлайди. Бундай моддаларнинг мавжудлиги эса йўлдошда ҳаёт аломатлари борлигини кўрсатади.

Дарвоқе, олимлар Европа йўлдошида мавжуд организмлар Ердагига ўхшаш бўлишини айтишмоқда. Мисол учун, йўлдошдаги сув ҳаддан ортқ шўр бўлса, унда сайёраимиздаги галофилларни эслатувчи мавжудотлар истиқомат қилишади. Айни пайтда тадқиқотчилар йўлдошдаги ҳаёт Ерникига мутлақо ўхшамайдиган, ўзига хос бўлиши эҳтимолини ҳам эътибордан соқит этишмаган.

Интернет хабарлари асосида
«Adolat» мухбири **Бобур ТУНГАТОВ** тайёрлади.

Қош қўяман деб...

➤ Божхона бекати

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан йирик миқдордаги косметик воситалар, парфюмерия маҳсулотларининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди.

Жумладан, “Келес” темир йўл божхона пости ходимлари “Москва-Тошкент” йўналишидаги юк поезди орқали фуқаро А.Юлчиев (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) томонидан умумий қиймати 41,5 миллион сўмлик турли товар-моддий бойликларни, шу жумладан, 1223 дона парфюмерия ва косметика маҳсулотларини яширин равишда олиб кирилишининг олдини олишди.

Олинган тезкор маълумотлар асосида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда фуқаролар М.Асадов, А.Турдиев бошқарувидagi “Дамас” ва “Кобальт” автомашиналари тўxtатилиб, ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кечтирилганда, автомашиналарда хорижда ишлаб чиқарилган 8 турдаги салкам 2,5 минг дона косметика ва парфюмерия маҳсулотлари ноқонуний равишда олиб кетилганлигини фoш этилди. Юк эгалари қиймати 35 миллион сўмлик ушбу товарларнинг сифати ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжати ноқонунчилигига тақдим қила олишмади.

Шунингдек, «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан “Сеул-Тошкент” рейси бўйича парвозини якунлаган наманганлик Ш.Самандаровнинг қўнғир қилимларига нуқта қўйилди. Қарангки, бу шахс юклари орасига 159 дона кос-

метика воситаларини яширган ҳолда республикаимиз ҳудуди-га олиб киришни кўзлаган экан. Бундан ташқари, Москвадан самолётда учиб келган қашкадарёлик А.Комилов 130 дона, сурхондарёлик Н.Лутфуллаева эса 66 дона косметика ва парфюмерия воситаларини божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб киришга уринган пайтда тўxtатиб қoлинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Яна бир ҳолатда эса пойтахт божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ноқонуний равишда сақланаётган парфюмерия маҳсулотларини яширин “омбор”ини фoш қилишди. Учтепа туманида истиқомат қилувчи фуқаро У.Раззоқованинг хонадони амалдаги тартибларга мувофиқ ва ҳолислар иштирокида кўздан кечтирилганда, бу ерда фуқаро О.Юлдашевга тегишли 27 миллион сўмдан

Шу ўринда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ва “Тошкент-Аэро” ихтисослаштирилган божхона комплекси фуқаролардан божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан 120-76-76 ва 120-86-30 ишонч телефонларига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатади. Мурожаатлар анонимлиги кафолатланади.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ва
“Тошкент-Аэро” ИБК Ахборот хизматлари

УЙЛАНАЙМИ, УЙЛАНАЙМИ...

Мичиган университети мутахассислари олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, олий ўқув юртини тугатмасдан оила қурганлар сафида вазни меъёрдан ортқчалар кўпчилигини ташкил қиларкан. Яъни, таълим олиш соғлиқ учун фойдали бўлгани ҳолда, эрта оила қурган йигит-қизлар бу имкониятдан тўлиқ фойдалана олишмайди. Бу ҳақда The Daily Mail нашри хабар беради.

17 йил давом этган тадқиқотда 14 000 га яқин кўнгилли иштирок этди. Олимлар иштирокчиларни улар университетда ҳам, оила қурганларидан кейин ҳам мунтазам кузатиб келишган.

Маълум бўлишича, ўқиш жараёнида оила қурган иштирокчиларнинг 65 фоизиди семизлик, ортқча вазн пайдо бўлган. Бунинг изохи сифатида мутахассислар тўйдан кейин келин-куёв кўпроқ таом истеъмол қилишга ўтишини, жисмоний машқларга камроқ эътибор қаратишини келтириб ўтишган.

Бундан ташқари, никоҳга қадар олий маълумот олиб улгурган йигит-қизларда ҳаётий муаммоларни ҳал этиш қўйнимаси нисбатан кўпроқ шаклланган бўларкан. Шу сабабли улар оила қурганларидан кейин ҳам соғлом турмуш тарзига амал қилишга кўпроқ мойил бўладилар.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ



Финляндия олимлари ҳаёт тарзлари турлича бўлган 10 жуфт эгизакни узоқ йиллар мобайнида кузатиб бoрдилар. Натижада айнан ҳаракат, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳам тананга, ҳам онг-тафаккурга ўта ижобий таъсир кўрсатиши яна бир бор исботланди.

Ҳаттоки айрим мутахассисларнинг инсон соғлигини атроф-муҳит ва ирсият билан боғлаши илмий жиҳатдан нотўғри эканлиги ҳам мазкур кузатувлар жараёнида яққол намоён бўлди.

Ўзингиз эътибор беринг, эгизаклардан бири спорт билан доимо шуғулланиб келган, иккинчиси эса бунга вақт тополмаган. Тадқиқотларда эгизакларнинг кам ҳаракатда бўлганлари тез касалликка чалинувчан, нимжон, ортқча вазнга эга, ақлий жиҳатдан юксак даражада эришмаган, ошқозонда ҳам муаммолари бор инсонлар эканлиги аниқланган. Эгизакларнинг фаоли эса ҳам соғлом, ҳам интеллект жиҳатидан анча юқори савияда эканлиги ўз исботини топган. Энг эътиборли томони, эгизаклар орасида бундай тафовут пайдо бўлиши учун уч йил етарли бўлган.

Финляндия олимлари ҳаёт тарзлари турлича бўлган 10 жуфт эгизакни узоқ йиллар мобайнида кузатиб бoрдилар. Натижада айнан ҳаракат, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳам тананга, ҳам онг-тафаккурга ўта ижобий таъсир кўрсатиши яна бир бор исботланди.

«Қаршимда Ер шарин сурати турар...»

➤ 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кун

Чексиз коинот узра ўз ўқи ва Қуёш теграсида айланаётган Ер сайёрасини шоир "Салмоғи Қуванинг анорича бор", дея таърифу тавсиф этган бўлса, уни фазодан туриб кўриш, қузатиш имконига эга бўлган фазогирлар биз яшаётган она замин юлқа шишасимон мовий шарга ўхшашини айтади. Ҳар икки қиёсда ҳолатида ҳам Ер меҳрга, ҳимояга муҳтож эканини ҳис этамиз.

Халқаро ҳамжамият эътиборини атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳамда глобал экологик инқирознинг олдини олишга қаратиш ва бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида, 1972 йили 5 июнда Стокгольм шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг экологик масалаларга бағишланган конференциясида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Шундан буён ҳар йили дунёнинг қатор давлатларида 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кун

сифатида қабул қилинган резолюцияда Ер ва унинг экотизими инсониятнинг уйи эканлиги, сайёрамиздаги барча мамлакатлар ва уларда яшаётган аҳоли ҳамда жонотларнинг Ер билан боғлиқ манфаатлари муштарақлиги, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик эҳтиёжлари орасидаги адолатли мутаносибликка эришиш мақсадида она замин уйғунлигини сақлаб қолиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Чунки техника ва технология, саноат юқори даражада ривожланган XXI асрга келиб, бутун жаҳонда глобаллашув жараёни шундай шиддат билан кечаяптики, экология муаммоси бир минтақа ёки бир мамлакатгагина эмас, балки барча қитъаларга ўзининг таъсирини кўрсатмоқда.

Дунё бўйича йилга қарийб олти миллион гектар ер чўлланишга ўраётгани, олтинчи мингга яқин ўсимлик, етти мингдан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетиш арасида тургани ҳам мавзу долзарблигидан далolat беради. Маълумотларга қараганда, Ер юзидagi 7200 миллион гектар ўрмондан ҳозирда 4100 миллион гектари қолган, холос. Ҳар йили атмосферага ўрта ҳисобда 60 миллион тонна углеводород, 260 миллион тонна олтингурут оксиди, 2 миллион тоннадан ортиқ чанг ва кулсимон моддалар чиқарилади. Оқибатда эса озон қатламида туйнуқлар ҳосил бўлиб, улар йил сайин катталашиб борапти.

Албатта, кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида сайёрамиз табиий бойликлари, ҳайвонот ва наботат олами инсон ҳаётини фаолияти учун зарур эҳтиёж манбаи бўлиб келган. Аммо табиий ресурслардан ҳаддан зиёд фойдаланиш, атроф-муҳитга антропоген таъсирларнинг ортиши, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши экотизимга таҳдидларни юзага келтириши билан бирга, инсоният ҳаётига ҳам жиддий хавф туғдира бошлади. Бунга сайёрамизда инсон томонидан ҳосил қилинган чинкиди микдори табиий пайдо бўладиган микдорга нисбатан 2 минг баробар кўпчилиги, айни чоғда 1 миллиард аҳоли санитария меъёрларига тўғри келмайдиган ичимлик сувидан фойдаланаётгани, бутун ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиги ирригация ва мелiorация ишларида хатоларга йўл қўйилгани сабабли деградацияга ўраб, зироатчилик, қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштириш учун мутлақ яроқсиз ҳолга келтирилганидан ҳам аниқлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, халқимиз азал-азалдан табиатга, бутун борлиққа, ундаги ҳайвонот ва наботот оламига алоҳида эътибор қаратиб, табиий неъматлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилиб келган. "Дарё бўйида яшасанг ҳам сувни исроф қилма", деган пурмаёно сўзлар бежиз ай-

унаси ўн беш минг турга етган.

Бетақорр табиатимиз ва ундаги биохилма-хиллиқни тўлиқ муҳофаза этиш, уларни қайта тиклаш ва кўпайтириш ишлари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда амалга оширилмоқда. Ҳозир республика аҳамиятига молик 31 та муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, жумладан, 8 та давлат қўриқоналари, 2 та миллий боғ, 1 та экомарказ, 1 та биосфера резервати, 13 та давлат буюртмаҳоналари, 5 та табиат ёдгорлиги фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 83 та маҳаллий аҳамиятга эга бўлган муҳо-

давлат қўмитаси фаолиятига тўхталадиган бўлсак, 2014 йилда мазкур қўмита томонидан 244 мингдан ортиқ ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича маълумотлар таҳлил қилиниб, атроф-муҳитга таъсир кўрсатуви 160 минг субъектлар хатловга олинган.

Атмосфера ҳавоси, ер, сув ресурсларини муҳофаза қилиш, биологик хилма-хиллиқни сақлаб қолиш, атроф-муҳит ифлосланиши ҳамда қонун бузилиш ҳолатлари олдини олиш мақсадида Табиат ёдгорлиги фаолият кўрсатмоқда қўмитаси томонидан қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтган йили 15 мингдан ортиқ тезкор назорат тадбирлари ўтказилган.

Текширишлар ҳамда назорат тадбирлари давомида экологик қонунчилик талабларини бузганлиги учун 21 мингдан ортиқ мансабдор шахс ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, атроф-муҳитни ифлослантирувчи 271 мингдан ортиқ манбалар махсус асбоб-ускуналар билан текширилиб, 15 мингдан ортиқ ифлослантирувчи манбалар аниқланган ва ушбу ҳолатлар бўйича жами 22 миллион сўм маъмурий жарима ҳамда 1 миллиард 909 миллион сўм компенсация тўловлари ундирилган.

Атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган вазифаларни бажаришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда. 2008 йилнинг 2 августидан ташкил этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати бутун том маънода мустақил юртимизда фаолият юритаётган энг фаол жамоат ташкилотларидан бирига айланди.

Республикамизда экологик муаммолар ва атроф-муҳит муҳофазасига нисбатан лоқайдликларга барҳам бериш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштирокининг фалоллигини ҳар томонлама кучайтириш, бу борада қабул қилинган қонунлар ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш Ўзбекистон экологик ҳаракатининг бош мақсадидир. Шунингдек, соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юртиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмаларнинг масъулиятини ошириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш ҳам Экоҳаракатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Экоҳаракат депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан ўтган йиллар давомида ҳаётимизнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалари ечимини ҳукумат асоси бўлган қонунлар маъмуриятини чўқур ўрганган ҳолда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантириш, қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш, жумладан ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириб келаётган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш

Республикамизда атроф-муҳит муҳофазасига оид долзарб масалалар ечимини топишда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси иқтисодиётнинг экологик жиҳатдан мутаносиб ривожланиши тарафдори ва экологик муаммоларни ҳал этишда ўз саъй-ҳаракатларини, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратади. Барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат Давлат бюджетига юқлаш тўғри бўлмайди, деб ҳисоблайди. Партия Ўзбекистон экологик ҳаракати билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш каби масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловдиди дастурида иқтисодий лойиҳаларнинг экологик экспертизасини кучайтириш, унинг очик ва ошкоралигини таъминлаш, бу ишга ННТ, илмий жамоатчилик, депутатлик корпусини кенг жалб этиш лозимлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Суюндик МАМИРОВ
«Адолат» мухбири

➤ Мусобақа

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан Самарқанд шаҳрининг Сартепа мавзесидаги 3-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши соврини учун "Адолат маликалари" спорт мусобақаси бўлиб ўтди.



«Адолат маликалари»

спорт мусобақаси ўтказилди

Самарқанд вилояти спортчи ёшлари иштирокида бадий гимнастика бўйича ўтказилган мазкур мусобақада 2005-2010 йилларда туғилган, яъни 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган 57 нафар спортчи қизлар қатнашди. Қизгин беллашуларда улар ўзларининг бор маҳоратларини бир-бирдан гўзал гимнастика ўйинларда намойён қилди. Мусобақада қизлар олти йўналишининг ҳар бирига белги-ланган 3 та ўрин асосида аниқланди. Жумладан, 2005 йилда туғилган болалар ўртасидаги бахсларда Рушана Файзуллаева, 2006 йилда туғилган болалар ўртасидаги беллашуларда Диёра Абдуҳамидова, шунингдек, 2007-2010 йилларда туғилган болалар ўртасидаги бахсларда Севинч Чориева, Жасмина Нурмухамедова, Рушана Акбарова, Лазиза Ваҳобовалар

1-ўринга сазовор бўлишди.

— Спорт ўйинлари болаларнинг соғлом ўсиши, интеллектуал қобилиятини оширишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади, — деди вилоят партия кенгашининг "Аёллар қаноти" етакчиси Нодира Ҳалимова. — Шу билан бирга, уларда шижоат, ўзига бўлган ишончни кучайтириб, орзу-мақсадлари сари янада дадилроқ интилишга, янги марраларга ундайди.

Мусобақа қизларига Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгашининг дипломлари ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгаши матбуот котиби

Хурматли тадбиркорлар!



«АСАКА» БАНК

"Export Import Bank of Korea" (Корея Республикаси), "Commerzbank AG" (Германия) ва "Landesbank AG" (Германия) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

Лойиҳалар	Саноат ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ва/ёки амалдаги ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш.
Қарздор	"Export Import Bank of Korea" (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича: — Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар; — Ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар. "Commerzbank AG" (Германия) ва "Landesbank AG" (Германия) кредит линияси бўйича: — Ўзбекистон Республикаси резидентлари — ҳусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари.
Кредит мақсади	"Export Import Bank of Korea" (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича: Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун: - асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш; - стратегик инвестициялар. Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун: - асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; - асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш. "Commerzbank AG" (Германия) ва "Landesbank AG" (Германия) кредит линияси бўйича: Импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
(+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.

"Асака" банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исроил ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам АДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — А.Йўлдошев
Навбатчи — Б.Тунгатов

«Адолат»дан қўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgazet.uz / adolat_gazeta@mail.ru
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



ISSN 2093-5237
1 2 3 4 5